

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Таълим тури—Клиник ординатура (резидентура)

Таълим шакли — кундузги

Ўқиш муддати — 2 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари

А.Иноятов

2021 йил « 06 »

Эндокринология мутахассислиги бўйича бирхиллаштирилган ўқув режа

№	Ўқув блоклари, модуллар ва фаолият турларининг номи	жумладан:										
		Умумий юкламанинг ҳажми	жумладан:								Мустакил таълим	
			Ўқув юклама, жами	Ўқув юкламанинг таксимоти, соат		Ўқув юкламанинг ўқув йиллар бўйича таксимоти, соат						
				Профессор- ўқитувчи- ларнинг машғулоти- лари	Клиник ордина- торлар- нинг ўқув амалиёти							
		Кредит	Соат	Соат	%	Соат	Соат	1-йил		2-йил		Соат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1.	Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар	1,5	54	36	1,1%	36		18	18			18
1.1	Валеология	0,75	27	18		18			18			9
1.2	Клиник фармакология	0,75	27	18		18		18				9
2.	Мутахассислик модуллари	119,6	4306	2956	93,4%	200	2756	696	694	786	780	1350
2.1	Нейрохирургия	119,6	4306	2956				696	694	786	780	
	Клиник ординаторга рахбарлик		200	200		200		40	60	40	60	
	Ўқув амалиёти		2756	2756			2756	656	634	746	720	
	Мустакил таълим		1350									1350
3.	Ёндош мутахассислик модуллари	6,0	216	144	4,5%	144		72	72			72
3.1	Кардиология	1,5	54	36		36						18
3.2	Акушерлик ва гинекология	1,5	54	36		36						18
3.3	Урология (андрология курси)	1,5	54	36		36						18
3.4	Тиббий радиология	1,5	54	36		36						18
4.	Қўшимча модуллар	8,0	288									288
4.1.	Информацион - коммуникацион технологиялари	4,0	144									144
4.2.	Чет тили	4,0	144									144
5.	Аттестация:	0,9	32	32	1,0%	32		6	8	6	12	
	Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти:	8,0	288									288
	Жами:	144,0	5184	3168	100,0%	412	2756	792	792	792	792	2016

Бирхиллаштирилган ўқув режани тадбиқ этиш бўйича кўрсатма

1. “Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар” (1,1%) ва “Ёндош мутахассислик модуллари” (4,5%) блоклари:

“Валеология” модули мажбурий ўқитилади.

“Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар”даги танлов модул(лар)и ва “Ёндош мутахассислик модуллари”и ва уларга ажратилган соат ҳажми ҳар бир мутахассислик учун ушбу мутахассислик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда алоҳида белгиланади.

Ёндош мутахассисликни ўрганиш учун клиник ординатор (резидент)лар мутахассисликка хос ўқув/клиник база кафедраларига/бўлимларига (лаборатория в.х.) жадвалга асосан сафарбар этиладилар.

Илмий текшириш институтлари ва илмий амалий марказлар ўз клиник ординатор(резидент)ларини юқоридаги модулларни ўқитиш бўйича таълим берувчи ташкилотлар ёки мутахассислар билан шартнома асосида ташкил этадилар.

2. “Мутахассислик модуллар” (93,4%) блоки:

Мутахассиснинг бирхиллаштирилган ўқув режаси мутахассиснинг малака тавсифномасидан келиб чиқади, соатлари кўрсатилган ҳолда алоҳида блокларга ажратилиши мумкин ва бу ўз навбатида ўқув дастурини тузиш учун асос бўлади.

Назарий ўқитиш соатлари/кредитлари миқдори (маъруза ва семинарлар) 20% гача ташкил қилиши лозим, қолган соатлар/кредитлар эса ўқув амалиётига ажратилади.

Клиник ординатура (резидентура) ўқув даврининг иккинчи йили ҳудудлардаги етакчи тиббиёт муассасаларида ўтказилади. Бунда, клиник ординатор (резидент)га ҳудудий тиббиёт муассасасидаги юқори малакали мутахассислардан илмий раҳбар бириктирилади. Бириктирилган илмий раҳбар ҳудудий тиббиёт муассасаси раҳбари тақдимномасига кўра таълим муассасасининг Кенгаши томонидан тайинланади.

3. “Қўшимча модуллар”ни клиник ординатор (резидент)лар факультатив тартибда (мустиқил тайёргарлик шаклида) ўқишдан ташқари вақтларда мажбурий ўрганадилар. Клиник ординатор (резидент)нинг ушбу блокдаги ўқув модулларни ўзлаштириши илмий раҳбар томонидан назорат қилинади ва баҳоланади.

4. **Аттестация (1,0 %).**Таълим олувчиларни жойларидаги аттестация (ярим йиллик, йиллик) соатлари (кафедра, бўлим, лаборатория в.к.) асосий мутахассислик бўйича ўтказилади. Таълимни якуний семестри охирида давлат имтиҳони дастлабки аккредитация билан ўтказилади.

5. **Ишлаб чиқариш (малака) амалиёти** олинган кўникмаларни мустиқамлаш мақсадида ўқув дастурларисиз яшаш жойида мутахассислиги йуналишига хос бўлимларда (ташкilotларда) бўлим мудириларининг назоратида олиб борилади.

6. Барча клиник ординатор (резидент) томонидан ўқув режадаги **кредитларни йиғиш** мажбурий ҳисобланади.

7. Клиник ординатор (резидент)ларнинг **меҳнат таътили** ҳар ўқув йилида 4 ҳафта ташкил этади.

8. Клиник ординатор (резидент)лар илмий раҳбарлиги, “Умумметодологик ва номутахассис ёндош тиббий модуллар” ва “Ёндош мутахассислик модуллари”ни ўқитганлик ҳамда аттестация ўтказганлик учун **иш ҳақи** педагогларга меҳнат шартнома ва соатбай асосида, жалб этилган бошқа мутахассисларга соатбай асосида тўланади.

Ҳудудий тиббиёт муассасасидаги **бириктирилган илмий раҳбарга** ҳар бир клиник ординатор (резидент) учун бир ўқув йилига **25 соат ўқув юклама** миқдорида соатбай иш ҳақи тўланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи

А.Т. Махмудов

Тиббиёт ва фармацевтика
ОТМлари Ректорлар раёсати раиси

Б.Т. Даминов

Тиббий таълимни ривожлантириш
маркази директори

Н.Р. Янгиева